

3-25-2021

## SEMANTIC ANALYSIS OF LITERARY TERMS BY LITERARY TYPES IN “THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS”

Muhayyo Saidova

*Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan, mukhayyo1981@mail.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Saidova, Muhayyo (2021) "SEMANTIC ANALYSIS OF LITERARY TERMS BY LITERARY TYPES IN “THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS”,” *Philology Matters*: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 11. DOI: 10.36078/987654486

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss1/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



Received: February 17, 2021  
Accepted: March 23, 2021  
Available online: March 25, 2021

## Мухайё Саидова

Бухоро давлат университети таянч докторанти  
Бухоро, Ўзбекистон

### “АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ОКСФОРД ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”ДАГИ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ АДАБИЙ ТУРЛАР БЎЙИЧА СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

#### АННОТАЦИЯ

Илмий адабиётлар таҳлили герман тилларида адабиётшунослик терминларининг кам ўрганилганлигини кўрсатади. Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган ушбу адабиётшунослик атамалари славян, роман ва герман тилларида мутлақо ўрганилган эмас. Аслида, фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва айниқса, адабиётшунослик терминларини тадқиқ этиш адабиётшуносликдаги муҳим масалалардан.

Ушбу мақолада адабиётшунослик терминларининг ўрганилиши герман тиллари миқолида кўриб чиқилган. Бунда Крис Болдик томонидан тайёрланган The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms – Адабиётшунослик терминларининг қисқача Оксфорд изоҳли луғати асос қилиб олинган. Муаллиф луғатдаги адабиётшунослик терминларининг эътиборга молик томонлари ҳақида маълумотлар беради, унда келтирилган адабий турларга доир атамалар хусусида фикр юритиб, эпик, лирик ва драматик адабий турларга хос терминларни мавзуй гуруҳлари бўйича таҳлил қилади, Крис Болдик томонидан уларга берилган изоҳларга муносабат билдирилган.

Ушбу The Concise Oxford Dictionary of literary terms луғати 1060 та адабиётшунослик терминларини қамраб олган. Муаллиф бу терминларни адабий турлар бўйича мавзусига қараб гуруҳларга ажратишга ҳаракат қилган,

## Muhayyo Saidova

PhD student, Bukhara State University  
Bukhara, Uzbekistan  
E-mail: mukhayyo1981@mail.ru

### SEMANTIC ANALYSIS OF LITERARY TERMS BY LITERARY TYPES IN “THE CONCISE OXFORD DICTIONARY OF LITERATURE TERMS”

#### ANNOTATION

The scientific research shows that literary terms in the Germanic languages were not studied uniformly. Literary terms, which were the subject of our research, have hardly been studied in the Slavic, Roman and Germanic languages. Objectives and methods: Therefore, it is relevant to study the terms of philosophy, culture and spirituality, ethics, aesthetics, religion, linguistics and especially literary criticism. The degree of study and significance of literary terms are carried out in the given article. The article also gives information about the dictionary of Chris Baldick –The Concise Oxford Dictionary of Literary Terms and the significant aspects of literary terms. Terms belonged to the theory of literature, its history, process and dramatic works are discussed. Epic, lyric and dramatic terms of literary genres were analyzed by thematic groups and the author's opinion on the interpretation of terms is expressed and explained in the article.

Results: The Concise Oxford Dictionary of literary terms by Chris Baldick contains 1060 literary terms. These terms were divided into semantic groups according to literary types. Literary terms were grouped into epic, lyrical, and dramatic literary types. Literary terms in the dictionary were originally classified and studied in three main groups of literary type: prose, poetry, and drama.

Conclusions: In the course of the research, it was noticed that there are some terms which can be included into both lyric and epic, or epic

яъни эпик, лирик ва драматик адабий турлар асосида тадқиқ этган.

Тадқиқот давомида луғатга лирик, эпик ва драматик турларга алоқадор терминлардан ёки учала турга ҳам бир хил алоқадор истилоҳлар киритилганлиги кузатилган. Бундан ташқари, адабиётшуносликда умумий тушунчаларни ифодалайдиган истилоҳлар ҳам учрайдики, мақола муаллифи уларни алоҳида битта гуруҳга ажратиб ўрганади. Таҳлил

этилатган луғатда 142 та эпик, 329 та лирик, 110 та драматик, 330 та ҳар уч адабий турга хос термин ва 149 та ушбу мавзуй гуруҳларга киритилмаган термин мавжудлиги аниқланган ва улар тадқиқот жараёнида яна кичик гуруҳларга ажратиб ўрганилган.

**Калит сўзлар:** адабий тур, жанр, поэзия, проза, драма, эпик, лирик, драматик.

and dramatic, or to all three literary types. In addition, despite the existence of literary terms in the dictionary, there were also terms that did not belong to any literary type or genre and expressed general concepts in the literature that were also studied in a separate group. In the dictionary, we have analyzed the semantic groups included 142 epic, 329 lyrical, 110 dramatic, 330 terms belong to all three literary types and 149 terms that are not included in any literary type, which were further studied in small groups during our study.

**Key words:** literary type, genre, poetic, prose, drama, epic, lyric, dramatic.

## КИРИШ

Адабиётшунослик терминларининг нисбий характерда эканлиги уларнинг аниқлик мезонларини бир бошдан жиддий ишлаб чиқишни тақозо этади. Шундагина терминларни қўллашда ҳам, луғатларга киритишда ҳам муайян аниқликка эришиш мумкин. Мазкур терминларни тартибга солиш, айниқса, ҳозир – турли метадиалект ва идиолект терминлари етарли даражада ўйланмасдан қўлланилаётганининг олди ҳам олинади. Адабий тушунчаларнинг, бинобарин, терминларнинг мазмунан хилма-хиллиги сабабларини макон ва замон, ижтимоий-ғоявий, миллий кесимда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунда адабиётшунослик терминларини даражалаш, уларнинг қай бири адабиёт илми ва амалиёти учун бирламчи, қайсиси иккиламчи эканлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, кузатишлар ва хулосаларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида адабий терминларни тушунча ва дунёқарашлар тизими бирлиги сифатида ўрганиш зарур. Адабиётшунослик терминлари динамик – шаклланиш, нутқ ва луғатларда қўлланиш, янги маъно турларини касб этиш, фаол ва нофаол ривожланиш босқичларини бошдан кечириш каби хусусиятларга эга. Инглиз ва бошқа тилларда кўплаб адабиётшунослик терминлари луғатлари яратилган бўлса-да, уларнинг мавзуй гуруҳлари, юзага келиш манбалари, тузилиши ва мазмуни ҳозиргача деярли ўрганилмаган.

Тадқиқот объекти қилиб олган адабиётшунослик терминлари словян, роман ва герман тилларида мутлақо ўрганилмаганлигини кўрсатади [Бу соҳада ўзбек тилшунослигида жиддий тадқиқотлар олиб борилган. Н.Ҳотамов, 1983]. Шу боис фалсафа, маданият ва маънавият, этика, эстетика, дин ва тасаввуф, тилшунослик ва айниқса, адабиётшунослик терминларини ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

## НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Крис Болдикнинг – The Concise Oxford Dictionary of literary terms адабиётшунослик терминлари луғати ўз ичига 1060 та адабиётшунослик терминларини олади. Ушбу терминларни биз адабий турлар бўйича мавзуий гуруҳларга бўлишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот объектимиздаги адабиётшунослик терминларини эпик, лирик ва драматик турлар бўйича гуруҳларга ажратдик. Соф эпик адабий турга кирувчи терминлар 142 тани ташкил этади. Шулардан 67 таси эпик турнинг жанрлари ва жанрларнинг турларига оид терминлар ҳисобланади. Мазкур терминларни эпик турнинг роман жанри турлари бўйича гуруҳлаб чиқдик: *antinovel, Bildungsroman, campus novel, Erziehungsroman, epistolary novel, Gothic novel, historical novel, ku"nstlerroman, memoir novel, le nouveau roman, newgate novel, penny dreadful, picaresque novel, roman-fleuve, roman „a tiroirs, roman „a these, roman „a clef, roman feuilleton, silver-fork novel, sentimental novel, sensation novel, Schauerroman, novel*. Юқоридаги терминлардан кўрииб турибдики, бирикмалардаги *novel, roman* сўзларининг борлиги бизга ушбу терминлар роман адабий жанрининг турларини ифодалаб келмоқда. Энди повестьёки қиссани ифодаловчи терминларни кўриб чиқамиз: *hagiography, jeremiad, novelette, nouvelle, novella, nouvelle*. Кейинги терминлар ҳикоя жанрини ифодоловчи терминлар ҳисобланади: *dream vision or dream allegory, frame narrative or story, firstperson narrative, histoire, local color writing, narrative, narration, story, slave narrative, short story, third person narrative, tall tale or story*. Бу терминларниҳам ушбу гуруҳга киритишимизнинг сабаби – *story* ва *narrative* сўзларининг терминлар таркибида мавжудлиги билан боғлиқ. Аммо баъзи терминлар борки, уларда ушбу сўзлар мавжуд эмас. Энди ушбу терминларнинг талқинига муурожаат этсак.

*Dream vision or dream allegory* терминини муаллиф қуйидагича ифодалайди. It is a kind of \*NARRATIVE (usually but not always in verse) in which the narrator falls asleep and dreams the events of the tale. The story is often a kind of \*ALLEGORY, and commonly consists of a tour of some marvellousealm, in which the dreamer is conducted and instructed by a guide, as Dante is led through hell by Virgil in his *Divine Comedy* (c.1320) – the foremost example of the form. In English, Chaucer devoted much of his early work to dream visions, including *The Parlement of Foules*, while Langland wrote the more substantial *Piers Plowman*; another fine 14th century example is the anonymous poem *Pearl* [Ch.Baldick.,2001;72]. Яъни, воқеа-ҳодисалар ҳикоячининг тушида содир бўлишини ифодаловчи ҳикоя тури ҳисобланади.

Эртак, дoston, афсона жанрларини ифодаловчи терминлар *conte, embedded, exemplum, folktale, Ma"rchen, parable, saga, legend, myth*. Луғатда *conte* эртак сўзининг французча талқини сифатида изоҳланган. *Exemplum* ибратли ҳикоя, эртак сифатида талқин қилинган. *Parable* эса ахлоқий панд-насихатлардан иборат кичик ҳикоя, эртак турини ифодаловчи термин ҳисобланади.

Қуйида келтирмоқчи бўлган терминлар эса адабий асарнинг бошқа турларини ифодалаб келади: *feuilleton, tract, causerie, essay, fantasy, fabulation,*

*the fantastic, science fiction, cyberpunk, bodice-ripper, faction, Festschrift, Grand Guignol, metafiction, mythopoeia or mythopoesis, pornography, pastiche, panegyric, surfiction, Varronian Satire.* Юқоридаги терминлардан кўпчилиги номланишидан қайси адабий асар турини ифодалаш маълум. Қуйида айрим терминларнинг муаллиф томонидан қандай изоҳланганини кўриб чиқамиз.

*Festschrift* – юбилей муносабати билан буюк ёзувчиларнинг шоғирдлари томонидан ёзилган асарлар тўплами. Ушбу аънава XIX асрда немис университетларидан келиб чиққан деб маълумот берилган.

*Grand Guignol* даҳшатли тафсилотлар билан баён қилинган қотиллик, зўрликни ифодаловчи француз мелодрама шаклини ифодалаб келади. Ушбу терминни француз кўғирчоқ қаҳрамони *Guignol* номи билан боғлиқ бўлиб, ҳозир кунда, кўпинча, кўрқинчли фильмларни ифодалашда ҳам ишлатилиши луғатда баён этилган. *Pastiche* бир ёки бир неча автор асарларидан олинган парчалар асосида яратилган янги асар сифатида талқин қилинган. Унинг пародия ёки плагиатдан кескин фарқ қилиши таъкидланган. Мисол сифатида Жон Фовлнинг *The French Lieutenant's Woman* (1969) асари намуна сифатида келтирилган.

*Panegyric* бир ёки бир гуруҳ маҳаллий шахсларнинг ифтихорларида мадҳ этиб айтиладиган тантанавор нутқ ёки асар деб изоҳланган. Гарчи Н.Ҳотамов, Б. Саримсоқовнинг – Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғатида ушбу терминдаги мадҳ кейинчалик аста-секин ярим чин, ярим кесатик маъно касб этиб борганлиги ва бу термин кўчма маънода ҳеч қандай асосга эга бўлмаган ортиқча мадҳия ва мақтовга тўла асарларга нисбатан ҳам қўлланилганлиги ҳақида кўшимча маълумот берилган. Аммо биз таҳлилга тортган луғатда бу мазмундаги фикрлар учрамайди.

Кейинги эпик тур мавзуй гуруҳига киритган терминлар адабий усул ва оқимларга хос терминлардир, улар: *Attic style or Atticism, belles-lettres, dirty realism, neo-realism, verismo, free indirect style or free indirect discourse, grotesque, jeu d'esprit, matter of Britain, the marvelous, S&F. Art for art's sake* бирикмасини ҳам ушбу гуруҳга қўшдик. *Art for art's sake*, XIX аср Эстетизм давида хос шиор бўлиб, одатда ушбу иборанинг французча *l'art pour l'art* шаклидан кўп фойдаланилган.

Энди юқоридаги баъзи терминлар луғатдаги талқинларини кўриб чиқамиз.

*Verismo* – натурализм оқимининг италянча талқини. У 1880 йиллари ижод қилган сицилиялик Жованни Верданинг роман ва хикоялари бунга ёрқин мисол бўла олади.

*Grotesque* – инсон хусусиятларини, воқеа-ҳодисаларни кучайтириш ёки кичрайтиришдан, кулгили тарзда бузиб кўрсатишдан иборат бадиий усул. Адабиётдаги ушбу услубни Диккенснинг романларидаги қаҳрамон ташқи қиёфаси ва ички оламининг кулгили карикатуралар орқали ифодаланишида кўриш мумкин.

*Jeud'esprit* – play of spirit бадиий маъносини ифодаловчи француз ибораси. Аммо кўпроқ – flight of spirit таржимасига тўғри келади. Ушбу термин асосан энгил латиға, Оскар Вайлд эпиграммларига ўхшаган кулгили руҳда ёзилган

шеърий парчалар ёки қисқа комик романларга нисбатан ишлатилади деб талқин қилинган.

*Matter of Britain* – Артур романлари номи билан машхур Қирол Артур ва унинг рыцарлари ҳақидаги афсоналарга нисбатан ишлатиладиган термин. Бу термин, асосан, айнан *matter of France*, *matter of Rome* каби романлардан фарқлаш учун қўлланилади.

*S&F*, – Shopping and Fucking беҳаё русмдаги машхур замонавий бадиий асар категориясига кирувчи асарларга нисбатан ишлатиладиган аббревиатура. Бу каби романлар, одатда, аёллар томонидан ёки аёллар учун ёзилганлиги билан ажралиб, унда қимматбаҳо кийим-кечак, безаклар, атир-упа, машина ва шунга ўхшаш матоҳларнинг беҳаё тасвирлари, жинсий алоқаларнинг икир-чикиригача тасвирланиши ҳақида маълумот берувчи услуб деб изоҳланган.

Кейинги эпик тур мавзуй гуруҳига кирувчи терминларни ушбу жанрда ижод қилган шахсларга боғлаб кўриб чиқамиз: *Angry young Men*, *Bloomsburry group*, *ce"nacle*, *epigone*, *narrator*, *omniscient narrator*, *unreliable narrator*. Энди уларнинг баъзиларининг муаллиф томонидан шарҳларини кўриб чиқсак.

*Angry Young Men* 1950 йиллари ижод қилган ёзувчи ва бош қаҳрамонларнинг ўрта табақага мансуб кишиларга қарши йўналтирилган гуруҳига нисбатан журналистлар томонидан ишлатилган термин сифатида изоҳланади. Ушбу гуруҳнинг ёрқин намунаси сифатида Джон Осборннинг *Look back in Anger* (1956) пьесасидаги Джимми Поттер мисол қилиб кўрсатилган.

*Bloomsburry group* – Блумсберрида, Британия музейи яқинидаги Лондон университети қисмида жойлашган Ванесса Стефен ва Виржиния уйларида дўстлик ришталари билан боғланган ёзувчилар гуруҳига нисбатан ишлатиладиган атама.

*Ce"nacle*–романтизм маданиятига хос хусусият бўлиб, бир етакчи атрофида тўпланган ёзувчилар гуруҳига нисбатан ишлатилган термин. Ушбу термин Парижда 1820 йиллари, асосан, Виктор Гюго атрофидаги ёзувчилар гуруҳига нисбатан қўлланилган деб изоҳлайди муаллиф.

*Epigone* – ушбу термин бирор ёзувчига эргашувчи, тақлид қилувчи, ўз ўрнига эга бўлмаган ижодкор. Аммо адабиётшунос Н.Ҳотамов ушбу терминнинг ўз умрини тугатган адабий оқимга нисбатан ишлатилиши ҳақида маълумот берган.

Кейинги изоҳладиган терминлар асардаги воқеа-ҳодисаларни ифодалаш жараёнида қўлланиладиган бадиий усул ва услубларга доир терминлар: *aleatory*, *anachrony*, *analepsis*, *analogy*, *anatomy*, *architectonics*, *apercu*, *binary opposition*, *bovarysme*, *bowdlerize*, *chronotope*, *cut up*, *diegesis*, *deixis*, *deep structure*, *digression*, *expurgate*, *excursus*, *fabulation*, *fabula*, *flashback*, *foregrounding*, *focalization*, *function*, *hermeneutic circle*, *intertextuality*, *interior monologue*, *leitmotif*, *lacuna*, *longueur*, *mise-en-abyme*, *prolepsis*, *purple patch*, *recit*, *self-reflexive*, *vulgate*. Кўриб турганимиздек, ушбу терминларнинг кўпчилиги изоҳлашни талаб қилади.

*Analepsis* ҳикоядаги воқеа-ҳодисаларнинг кейинчалик содир бўлган



воқеаларга алоқадорлигини ифодаловчи кетма-кетлик шакли деб изоҳланган. *Flashback* термини ушбу терминга синоним.

*Anatomy* – бирор мавзунинг пухта ва ҳар томонлама ёзма таҳлили сифатида талқин қилинган. Келтирилган терминни ифодалашда муаллиф Роберт Бўртоннинг *Anatomy of Melancholy* (1621) асарини ушбу бадий шаклнинг ёрқин намунаси сифатида мисол қилиб келтирган.

*Bovarysme* – ҳаётини ҳақиқатни инкор этиб, ўзини ҳаёлий қахрамонлардек ҳис қилиш ҳолати. Бу ҳолатни ифодалашда муаллиф Густав Флобернинг *Madame Bovary* (Бовари хоним) (1857) асари қахрамон Эмма Боварини мисол келтиради.

*Bowdlerize* – адабий асардаги барча кераксиз, беадаб, шаккоклик қилинган ўринларни ўчириб ташлаш. Мазкур термин Томас Бодлернинг 1818 йили ёзилган *The Family Shakespeare* асарини чоп этганидан кейин оила даврасида баланд овоз билан ўқиб бўлмайдиган сўз ва ибораларни тушириб қолдирилганидан кейин келиб чиққанлиги ҳақида ҳам маълумот келтирилган. *Expurgate* термини юқоридаги терминга синоним ҳисобланади.

*Cut up* – Уильям С. Берроузнинг *The Ticket that Exploded* (1962) асарининг айрим қисмларига нисбатан қўлланилган услуб. Луғат муаллифи уни матн қисмларга бўлиниб ёзилиб, нашр қилишдан олдин тартибга солиниши ҳақида сўз боради.

*Diegesis* воқеа-ҳодисаларни изчил баён этиш услуби бўлиб, муаллиф баён этиладиган воқеа-ҳодисани ҳикоядан фарқли ўлароқ бир – даражада ифодаловчи термин сифатида изоҳлаган.

*Deixis* – муайян воқеа-ҳодисани ифодалашда маълум бирликларнинг тегишлилигини ифодаловчи лингвистик термин. Уни изоҳлашда инсонларга нисбатан *I, you, them* кишилиқ олмошларининг, жойга нисбатан *here, there* ва вақтга нисбатан *now, then, today* равишларининг ишлатилиши мисол қилиб берилган.

*Excursus* – чекиниш; муайян қисмнинг батафсил муҳокамаси ёки матннинг асосий қисмидан узоқлашган мавзунинг икир-чикиригача тушунтирилган иловага нисбатан қўлланиладиган термин.

*Foregrounding* – матн ёки матндаги бирор элементга эътиборни кучайтириш. Рус формализм назариясига кўра, бадий асарларнинг ўзига хос лингвистик мавқега эга эканлиги ҳам айнан шу эътибор туфайли ажралиб туради.

*Hermeneuticcircle* – таҳлил жараёни; унда асар қисмларини бутун билан боғлашдан бошланадиган талқин жараёни тушунилади. Қисмларни тушунмасдан бутунни ва бутунни қисмларсиз талқин қилиш қийинлиги изоҳланган.

*Leitmotif* – бутун асар бўйлаб қайта-қайта уқтирилган асосий фикр, етакчи ғоя. Ушбу термин биринчи бўлиб Вагнер операларида қайта-қайта такрорланган муסיқага оид мавзу ва ибораларга нисбатан ишлатилган.

*Prolepsis* – ушбу термин уч хил маънода ифодаланиб, учинчи маъноси айнан эпик асарларда учрайдиган ҳодисани ифодалайди, яъни бугун содир бўлган воқеа-ҳодисанинг келажакда содир бўлиши кутилган воқеа-ҳодиса орқали ифодаланиши. Мисол тариқасида Муриэл Спаркнинг *The Prime of the*

Miss Jean Brodie (1961) асаридан парча келтирилган.

*Self-reflexive* – бадий композициянинг ўз жараёнларини очик акс эттирадиган адабий асарларга нисбатан қўлланадиган термин. Бундай ўз-ўзига мурожаат замонавий асарларда тез-тез учраши ваасардаги бадий хусусиятларга бир неча бор мурожаат қилиши билан боғлаб таърифланган.

Кейинги эпик турга мансуб терминлар асарнинг таркибий тузилишига доир терминлар бўлиб, уларга қуйидагиларни киритдик: *actant, archetype, context, episodic, exordium, ficelle, foil, narratee, point of view, syuzhet, sjuzet, synopsis, screenplay, vignette*.

*Actant* – барча ҳикоялар учун умумий бўлган бадий ролларнинг олтига асосий категорияларидан бири. Актантлар жуфт ва бинар оппозицияда бўлади, яъни субъект ва объект, юборувчи ва қабул қилувчи, кўмак берувчи ва оппонент. Актант қахрамон, мавжудот, жонсиз предметда намоён бўлиши мумкин. Масалан: аждар – оппонент бўлса, сеҳрли қилич – кўмакчи.

Соф эпик тур терминлари гуруҳига киритган терминлар умумий тушунчаларни ифодаловчи терминлар ҳисобланади ва уларга *dystopia, epic, fiction, narratology, prose, utopia* кабиларни киритиш мумкин.

Кейинги мавзуй гуруҳга тегишли терминларлирик адабий турга хос. Улар луғатдаги терминларнинг 329 тасини ташкил этади. Ушбу терминлар кичик мавзуй гуруҳлар бўйича кичик гуруҳларга бўлиб тадқиқ қилинди. Дастлаб лирик турга мансуб жанрлар ва уларга алоқадор терминлар кўриб чиқилди. Жумладан: *acrostic, amoeban verses, antiphon, aubade (Tagelied), alba, blank verse, Bucolic poetry or bucolic, catalogue verse, chanson de geste, Chaucerian stanza, concrete poetry, confessional poetry, conversation poetry, doggerel, dub poetry, eclogue, epyllion, epitaph, free verse (vers libre), galliambics, hemistich, jingle, light verse, macaronic verse, nonsense verse, nursery rhyme, occasional verse, pattern poetry, prose poem, roundelay, roundel (roundeau), rondel, Skeltonics, topographical poetry (logo-descriptive), virelay (virelai), vers de socie "te"*.

*Amoeban verses* – икки қахрамоннинг бир бири билан баҳс-мунозара тариқасида ҳайқириқларини ифодаловчи мисра ёки бандлардан иборат шеърӣй шаклга нисбатан ишлатилган термин.

*Aubade* – соддагина *alba* номи билан ёки немис тилида *Tagelied* сифатида маълум бўлиб, тонг отишини тараннум этувчи кўшиқ ёки шеър турини ифодаловчи атама. Ўрта асрлар охирида, Францияда гуллаб-яшнаган вазнсиз шеърӣй шакл деб изоҳланган.

*Doggerel* – монотон қофияли, ноқулай вазнли, саёз маъноли шеър тури. Уни луғат муаллифи шотландиялик шоир Уилям Макгонаголл (1830–1902)нинг ноанъанавий шеърлари мисолида таушунтиради.

*Epyllion* – вазн ва услубда ўхшаш, аммо ҳажман ўхшаш бўлмаган кичик эпик шеър тури. Термин XIX асрда юнон ва лотин шеърӣятида одатий – афсонавий севги қиссаларини тараннум этувчи қисқа шеърӣй қиссаларга нисбатан қўлланила бошланган деб изоҳланган.

*Hemistich* – тугалланмаган ёки пауза орқали бўлинган мисрани



шакллантирувчи ярим мисрали шеър тури. Ушбу шеър турининг илк немис аллитератив вазнидаги муҳим структуравий тузилишга эга бўлган бирлик ҳисобланиши ҳақида маълумот берилган.

*Macaronic verse* – икки ва ундан ортик тиллар қўшилиши натижасида яратилган шеър тури. Асосан, ушбу шеър турида маҳаллий тилдаги сўзлар билан лотин ёки бошқа хорижий тил қўшимчаларининг қўшилиши натижасида юзага келган юмористик шеър тури эканлиги, XVI–XVII асрларда Европа талабалари орасида урф бўлган, аммо инглизлар орасида камдан-кам учраши муаллиф томонидан таъкидланган.

Кейинги тақдим этадиган истилоҳларлирик адабий тур жанрларига кирувчи терминлардир, улар: *anthem, apalogue, ballad (ballade), beast fable, canzone, Chanson, Cowleyan ode, dipody, dithyramb, epigram, epistle, epos, elegy, folk song, gazal (ghazal or ghasel), hymn, hokku, haiku, incantation, irregular ode, lay or lai, mock epic, monody, ode, riddle, travesty*. Ушбу гуруҳдаги терминларнинг баъзилари бошқа тиллардан кириб келган терминлар.

*Dipody* бир кучли ритмик урғу воситасида бирлашган антик шеър тузилишидаги жуфт туроқ деб изоҳланган.

*Haiku* – бирор фаслда табиат манзарасини ёки предметни ифодалайдиган, қофияланмаган беш, етти ва беш хижоли уч мисралардан иборат япон шеър тури. XVI асрда Басё (1644–1694) ва Бусон (1715–1783) томонидан гуллаб яшнаган деб изоҳланган.

*Hokku haiku* терминининг бошқача номланиши бўлиб, унинг ҳажман каттароқ бўлган *haikai* шеър турининг биринчи бандига нисбатан қўлланилганлиги луғатда айтиб ўтилган.

*Lay or lai* – қисқа шеър турини ифодаловчи эски француз термини. Мари де Франсининг *Contes* асари Артур афсоналари мисолида ушбу шеър тури намуналари келтирилган.

*Travesty* – ҳазиломуз шаклда баён этилган пародия тури ҳисобланади. Сервантеснинг *Дон Кихот* (1605) асари ушбу шаклдаги рицарлик романларининг ёрқин намунаси сифатида мисол қилиб келтирилган.

Навбатдаги терминлар муайян мавзуни тараннум этувчи шеър ва қўшиқларни ифодаловчи терминлардир, яъни: *carpe diem, complaint, country house poem, dirge, graveyard poetry, goliardic verse, heroic poetry, idyll or idyl, lament, carol, epithalamion, madrigal, psalm, prothalamion, palinode, pastourelle, paeon, reverdie, threnody*. Ушбу терминлардан *country house poem* ва *georgic* кишлоқ ҳаёти ва ҳосилдорликни ифодаловчи шеърларга нисбатан ишлатилса, *madrigal* ва *pastourelle* чўпонлар ҳаётини тараннум этувчи қўшиққа солинган шеър турларини ифодалайди. *Epithalamion* ва *prothalamion* тўй қўшиқларига нисбатан, *graveyard poetry, dirge, lament, threnody* эса мотам ва таъзия маросимида айтиладиган шеър, қўшиқларини номлаш учун қўлланилган терминлар ҳисобланади. Қаҳрамонлик ва ғалаба мавзусини *heroic poetry* ва *paeon* терминлари ифодалайди. *Reverdie* – баҳор келишини қутлайдиган қўшиқ тури; *goliardic verse* – севги ва майхўрликни тараннум этувчи шеър тури; *psalm*

– муқаддас қўшиқ; *carol* пасха ва рождество байрамларида куйланадиган қувнок диний қўшиқлар деб изоҳланган.

Кейинги терминлар сонет турларини ифодаловчи терминлар: *curtal sonnet, Italian sonnet, Miltonic sonnet, Shakespearean sonnet, sestet, sonnet*.

*Clerihew, common measure or common metre, knittelvers, long measure or long metre, short measure or short metre* тўрт мисрали, бир бандли шеърий шаклларни ифодаловчи терминлар. Мисра, ҳижо, урғу миқдорлари ва қофияланиш билан боғлиқ шеър, банд ва мисра турларини ифодаловчи терминлар: *accentual verse, Alcaics, alexandrine, alliterative metre, dizain, distich, dimeter, fourteenner, Hudibrastic verse, hexameter, heroic couplet, heptameter, hendecasyllabics, monometer, monorhyme, octosyllabic, pentameter, quintain (quintet), quatrain, quantitative verse, syllabic verse, sestina, septet, septenary, Sapphics, trimeter, tetrameter, tanka, tercet, triplet*. Ушбу гуруҳдаги терминлар муаллиф томонидан, асосан, мисралардаги турок, ҳижоларнинг миқдори билан изоҳланган терминлардир. Баъзиларининг муаллиф томонидан берилган изоҳларига эътибор қаратамиз:

*Alcaics* – алкей банди, биринчи икки қатори ўн бир ҳижоли, учинчиси тўққиз ва тўртинчиси ўн ҳижоли тўрт мисрали юнон шеърларининг банди.

*Hudibrastic verse* – олтиҳижоли бандлардан иборат юмористик шеър тури.

*Sapphics* – лесбослик афсонавий шоира Сапфо шарафига номланган юнон вазнида ёзилган шеър тури. У биринчи уч мисраси ўн бир ҳижоли ва охириги мисраси беш ҳижоли, тўрт мисрали бандлардан иборат шеър деб изоҳланган.

*Tanka* – япон поэзиясидаги ўттиз бир ҳижони ўзида мужассам этган беш, етти, беш, етти мисралардан иборат шеърий жанр.

*Burns stanza/metre, chant royal, huitain, In Memoriam stanza, limerick, ottava rima, octava or octet, rhyme royal, Spenserian stanza, triolet, terza rime, villanelly* каби терминлар мисраларнинг қофияланиши билан боғлиқ терминлар ҳисобланади. Айрим терминларнинг муаллиф томонидан берилган изоҳларини кўриб чиқамиз:

*Limerickaавва* тарзида қофияланган, учинчи ва тўртинчи мисралари икки урғули, қолганлари уч урғули беш мисрадан иборат инглиз шеър шакли бўлиб, унинг дастлабки намуналарини Эдвард Лирнинг *Book of Nonsense* (1849) асарида, биринчи ва охириги мисраларнинг битта сўз билан қофияланиб келишида кузатиш мумкин. Аммо замонавий *limerick*да бу тарздаги такрорни кўрмаймиз. Бундай шеърларнинг, одатда, юмористик, шахс ёки жой номларини ўзида мужассам этган қофиялар ўйинидан иборат эканлиги таъкидланган.

*Rhyme royal* – *ававасс* тарзида қофияланган, беш урғули етти мисрадан иборат шеърий банд. Илк маротоба Чосер томонидан ишлатилганлиги сабабли Чосер банди деб ҳам юритилади. Чосернинг *Troilus and Criseyde, The Parlement of Fowles, Canterbury Tales* асарларида истифода этилган, шунингдек XV ва XVI асрлада инглиз поэзиясидаги муҳим шеърий шаклларида бири бўлган ва Данбар, Генрисон, Спенсер, Шекспир, Уильям Моррис томонидан кенг қўлланилганлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Берилган изоҳлардан кўришимиз мумкинки, муаллиф ушбу шеърий бандларни ифодалашда асосий

эътиборни мисраларнинг қофияланишига қаратган.

Кейинги лирик адабий турга мансуб терминлар – шеърый бандлар, парча, мисра ва нақаротларни ифодаловчи терминлардир: *clausula, coda, closed couplet, couplet, crown, enjambment or enjambement, envelope, envoi or envoy, fit, laisse, rhyme scheme, stichic, strophe, stanza, stave, tail-rhyme stanza, touchstone, verse paragraph, antistrophe, burden, epode, refrain, repetend, ubi sunt, versification*. Куйида ушбу кичик мавзуй гуруҳга тегишли баъзи терминлар изоҳларини кўриб чиқамиз:

*Crown* асосан, сонетларда учрайдиган – ҳар бир шеърый банднинг охирги мисраси кейинги бандда биринчи мисра бўлиб такрорланиб келиш тартиби бўлиб, ушбу тартиб охирги (одатда, еттинчи) банддаги охирги мисранинг биринчи банддаги илк мисрани такрорлангунига қадар давом этади. Ушбу тартибдаги сонетлар инглиз адабиётида Жон Донн томонидан *Holy Sonnets* (1633) асарининг кириш қисмида фойдаланилганлиги ҳақида маълумот берилган.

*Stichic* – бандларга бўлинмаган, бир хил вазнли ва бир хил узунликдаги шеърый мисраларнинг кетма-кет ифодаланишига нисбатан ишлатиладиган термин. Оқ шеър ёки қаҳрамонлик шеърбандлари одатда, шу тартибда ёзилади.

*Versification* шеър ёзиш техникаси, принциплари ва асосан, вазн, қофия ва бандларни шакллантиришнинг техник аспектларини ифодаловчи термин деб изоҳланган. Кўриб турганимиздек юқорида талқин қилинган терминлар мисра ва бандлар тартибини изоҳлаб келмоқда.

Лирик асарларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Уларда қофия, вазн, ҳижо, турок, оҳанг кабилар алоҳида ўринга эга. Ушбу – *The Concise Oxford Dictionary of literary terms* луғатидаги лирик адабий тур мавзуй гуруҳига киритилган терминларни мазкур бирликларни ифодалашига қараб яна кичик мавзуй гуруҳларга бўлиб чикдик. Жумладан, куйидагилар қофия ва унинг турларини ифодаловчи терминлардир: *bob and wheel, broken rhyme, crossed rhyme, double rhyme, dissonance, eye rhyme, end-rhyme, feminine rhyme, homostrophic, half – rhyme (pararhyme), internal rhyme, imperfect rhyme, leonine rhyme, mosaic rhyme, masculine rhyme, rhyme, rime riche, slant rhyme, triple rhyme*. Бирикмаларда *rhyme* сўзининг ишлатилиши бизга ушбу терминлар айнан қофияни ифодалаб келишидан дарак беради. Кейинги терминлар вазн билан боғлиқ: *alliterative revival, Asclepiad, ballad metre/stanza, catalectic, duple metre, dactyl, metrics, meter (metre), measure, poulter"s measure, scansion, strong – stress metre, triple metre*. Навбатдаги терминлар эса шеърый мисралардаги стопаларни ифодалайди: *amphibrach, amphimacer, anapaest, choriamb, cretic, defective foot, foot (feet), ionic, iamb, pyrrhic, paeon, spondee, trochee, diaeresis or dieresis*. Урғу ва ҳижони ифодаловчи терминларга ҳам луғатда алоҳида эътибор қаратилган: *acatalectic, acephalous, accent, anacrusis, cheville, demotion, elision, hypermetrical or hypercatalectic, feminine ending, ictus, masculine ending, promotion, recessive accent, stress, syncope, truncation, weak ending, wrenched accent*. Оҳангдорлик ва товушларни изоҳловчи терминлар эса куйидагилар: *cacophony, caesure, cadence, end-stopped, euphony, rhythm, falling rhythm, rising rhythm, sprung rhythm, diaeresis*

or *dieresis*, *sibilance* (*sigmatism*), *synaeresis* or *syneresis*, *synizesis*. Numbers шеърлардаги ҳижо ва стопаларни санаш билан боғлиқ термин деб изоҳланган. *Prosody* эса шеърдаги вазн, оҳанг, қофия ва банд тамойилларини ўрганиш системаси деб таърифланган. Кўриб турганимиздек, охирги изоҳланган икки терминнинг юқоридаги барча шеър бирликларига, яъни вазн, қофия, оҳанг, ҳижо ва бандга бир хил тегишли бўлганлиги боис, уларни алоҳида изоҳлашни жоиз деб топдик.

Кейинги лирик тур мавзуий гуруҳига киритган терминлар шеърый услуб ва оқимларга хос терминлардир: *Acmeism*, *Alexandrianism*, *Anacreontics*, *Caroline*, *Dada* or *Dadaism*, *Georgian poetry*, *hermeticism* (*ermetismo*), *Horatian*, *Homeric*, *Imagism*, *Juvenalian*, *New Criticism*, *Ossianism*, *Pindaric*, *Petrarchan*. Ушбу гуҳдаги терминларнинг номланишидан ҳам улар оқим ёки муайян шоирга хос услубларни ифодаловчи терминлар эканлиги кузатилади.

Навбатдаги терминларимиз ижодкор шахслар шахслар – шоир ва бахшилар гуруҳини изоҳлаб келган: *bard*, *coterie*, *jongleur*, *minstrel*, *Minnesa"nger* or *Minnesingers*, *Meistersinger* or *Mastersinger*, *metaphysical poets*, *Martian poets*, *the Movement*, *poe"te maudit*, *poetaster*, *la Ple"iade*, *Parnassians*, *Symbolists*, *skald* or *scald*, *Scottish Chaucerians*, *Spasmodic School*, *trouve"re*, *troubadour*. Улар куйидагича изоҳланган:

*The Movement* – Роберт Конкестнинг 1954 йили нашр қилинган *New Lines* (1956) антологиясида асарлари киритилган бир гуруҳ инглиз шоирларига нисбатан ишлатилган термин.

*Skald* or *scald* шоир сўзининг қадимий скандинавча эквиваленти бўлиб, асосан, IX–XIII асрлар давомида норвег ёки исландиялик шоир ва бахшиларга нисбатан қўлланилган термин деб изоҳланган.

*Spasmodic School* – 1854 йили шотландиялик шоир ва танқидчи У.Э. Айтун томонидан Британияда кеч машҳурликка эришган бир гуруҳ шоирлар: Ф.Ж. Бейли, Сидней Добель, А. Смит ва бошқаларга нисбатан истехзо билан қўлланилган титул.

*Aureate diction*, *belatedness*, *egotistical sublime*, *flyting*, *negative capability*, *misprision*, *poetic diction*, *poetic licence* каби терминлар эса бадий ижоднинг поэзия тури билан машғул бўлган шахсларга оид масалаларни талқин қилган. Бунда баъзи терминларни муаллиф изоҳлари орқали акнглаш мумкин.

*Belatedness* – адабиёт тарихида Х.Блум назариясига мувофиқ олдинги шоирлар томонидан айтиб ўтилган, айтиладиган гапнинг қолмаганлигини ифодаловчи термин сифатида талқин қилинган.

*Egotistical sublime* – ўта манманликка мойиллиги билан ажралиб турадиган Вордсворт шеърятиганисбатан Джон Китс томонидан ишлатилган танқидий ибора деб изоҳланган.

*Flyting* – шеърый мунозара, одатда, ҳақоратомуз шеърый тарзда бир-бирини ранжитадиган даражадаги икки шиор ўртасида содир бўладиган жараён. Муаллиф ушбу мунозарага ёркин намуна сифатида XVI аср бошларидаги шотланд аънанасидан *Flyting of Dunbar and Kennedie* ни мисол қилиб келтирган.

*Negative capability* – англиз шоири Жон Китс томонидан ишлатилган ибора. У ҳақиқий шоирга хос беғаразликни ифодаловчи термин сифатида талқин қилинган. Айнан шу термин юқорида изоҳланган *egotistical sublime* терминига тескари маънода ишлатилган. Шоир ушбу хусусиятни Шекспирдан фарқли ўлароқ Вордсворт ижодида намоён бўлмаслигини айтади ва бу фикр мазкур луғатда таъкидланган.

Лирик асарларнинг таъсирчанлигини таъминлайдиган ва тавсифлайдиган терминлар: *afflatus, anxiety of influence, blazon or blason, bathos, conceit, dissociation of sensibility, extempore, invocation, pathetic fallacy, psychomachy, turn, volta or volte, vatic, Weltschmerz*. Энди баъзи терминларнинг муаллиф томонидан берилган талқинини кўрамиз:

*Extempore* – тайёргарликсиз, бир неча лаҳзада яратилиш. Оғзаки асарларнинг (шеърый асарларнинг) шундай яратилишини муаллиф айтиб ўтади.

*Turn* – шеърдаги кайфиятнинг тўсатдан бурилишини ифодаловчи термин. У асосан сонетларда кузатилади. Бундан ташқари, *trope* терминининг эскича эквиваленти эканлигига ҳам муаллиф эътибор қаратади. Айнан шу терминга мазмунан яқин яна бир терминнинг изоҳига тўхталмоқчимиз. Бу *volta or volte* термини, ушбу термин *turn* терминининг италянча варианты бўлиб, у италян сонетларидаги олтинчи ва саккизинчи мисралар орасидаги кескин бурилишни ифодалайди.

Кейинги терминлар лирик асарлар ёзиш давомидаги техник жараёни ифодаловчи терминлардир, булар: *kenning, mnemonic, substitution, synaesthesia*.

*Edda* терминини юқорида санаб ўтган бирор-бир кичик мавзуий гуруҳга кирита олмадик ва шу боис ушбу терминнинг изоҳини алоҳида беришни жоиз топдик. *Edda*, дастлабки исланд ёзувларини ўзида мужассам этган икки муҳим тўпламларга берилган эски скандинавча ном бўлиб, у XIII аср охирида ёзилган шеърлар тўплами ҳисобланади. Ушбу тўпламлар IX асрга бориб тақаладиган халқ оғзаки ижоди намуналарини ҳам ўз ичига олганлиги луғатда айтиб ўтилган.

Соф лирик адабий тур терминлари гуруҳига киритилган охириги терминларумумий тушунчаларни ифодаловчи терминлардир. Улар: *broadside, canto, chorus, de"bat, fixed forms, lyric, poetry, poetics, poeticism, texture, verse*.

Ушбу мавзуий гуруҳдаги терминлар классификациясини *ut pictura poesis* термини билан яқунламоқчимиз. Рим шоири Гораційнинг *Arts Poetica* асарида ишлатилган ушбу термин англиз тилида “*as painting is, so is poetry*” деган маънони ифодалайди ва у рассомлик ва поэзия ўртасидаги ўхшашлик принциплари асосида ётади деб изоҳланади. Муаллиф бу фикрнинг турли даврларда қўплаб шоир ва рассомлар томонидан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаган.

Театр сахнасида қўйиш учун ёзилган адабий асарлар адабиётнинг уч асосий туридан бири – драматик турни ташкил этади. Навбатдаги мавзуий гуруҳда таҳлилга тортмоқчи бўлган терминлардраматик адабий турга тегишли терминлардир. Мазкур луғатдаги терминларнинг 110 таси шу масалага алоқадор. Биз ушбу терминларни кичик мавзуий гуруҳлар бўйича ҳам кичик гуруҳларга



бўлиб тадқиқ қилдик. Биз биламизки, жаҳон адабиётининг узоқ тарихида драматик турнинг жуда кўп жанрлари майдонга келган. Адабиётшуносликда улар шартли равишда учга ажратилади. Булар – трагедия, комедия ва тор маънодаги драма. Дастлаб ушбу жанрларга тегишли терминларга эътибор қаратамиз. Жумладан, трагедия жанрига хос терминлар: *domestic tragedy, revenge tragedy, Senecan tragedy, tragedy of blood, tragedy, tragic flaw*. Кейинги терминлар комедия жанрига мансуб: *black comedy, city comedy or citizen comedy, comedy, comedy of humours, comedy of manners, commedia dell'arte, farce, New Comedy, Old Comedy, romantic comedy, Restoration comedy, sentimental comedy*. Навбатдаги терминлар тор маънодаги драма жанрига хос терминларни ифодалайди: *closet drama, drame, drama, Fastnachtspiel, heroic drama, liturgical drama, monodrama, metadrama or metatheatre, no''or noh, poetic drama*. Мазкур терминларнинг луғатдаги талқинларига эътиборимизни қаратсак.

*Farce* – комедиянинг бир тури. У томошобинларда кулги билан бирга ваҳима ва шафқатсизлик аралашган туйғуларини уйғотади деб таърифланган.

*Fastnachtspiel* XVI асрда Маслица фестивали давомида Германияда шаҳарликлар томонида намойиш этилган машҳур қисқа драма тури деб изоҳланган.

*No''or noh* япон миллий драма тури бўлиб, у ҳайқирик ва имо-ишораларнинг ишлатилиши ва актёрларнинг маскалардан фойдаланишлари билан характерланади. Мусика, ракс, насрий ҳамда шеърий нутқларни ўзида мужассам этади. Ушбу пьеса диний маросимлардан келиб чиққан ва уни фақат эркаклар ижро этадилар. Юқори табақа вакилларига намойиш этилган ушбу пьеса турининг 200дан ортиғи XIV аср бошларидан бизгача етиб келганлиги ва XX асрларда уларнинг инглизча таржималари Эзра Паунд, У.Б. Йейтс ва Бертольт Брехт асарлари таъсири остида пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар луғатда келтирилган.

Драма адабий турининг яна бир кичик жанри ҳам борки, у пьесадира. Кейинги терминлар ушбу жанрни ифодалайди, жумладан: *chronicle play, discussion play, four-hander, history play, kabuki, kitchen-sink drama, mystery play, morality play, miracle play, problem play, passion play, satyr play or satiric drama, two-hander, vaudeville, well-made play*. Таркибида *play* сўзи бўлмаган терминларнинг муаллиф томонидан берилган изоҳларини кўриб чиқамиз:

*Four-hander* – фақатгина тўрт сўзловчига мўлжалланган пьеса. Гарольд Пинтернинг *No Man's Land* (1975) асарини муаллиф мисол сифатида келтиради. Худди шу ўринда *two-hander* термини изоҳига ҳам тўхталамиз. *Two-hander* фақатгина икки сўзловчига мўлжалланган пьеса. Самюэл Беккетнинг *Happy Days* (1961) асари бунга мисол қилиб келтирилган.

*Kabuki, No'* ўз пьесалари билан анча шуҳрат топган япон театрининг намойиш тури бўлиб, у ҳам кўшиқ, ракс ва имо-ишораларни ўзида мужассам этган, узоқ давом этадиган ва паст саҳналарда намойиш этилган. Сценарий ва костюмлари пухта ишлаб чиқилган ва аёллар образларининг барчаси эркаклар томонидан ижро этилган. *No'* дан фарқли ўлароқ актёрлар маскалардан



фойдаланишмаган, ammo қалин пардозлардан фойдаланишган. *Kabuki* пьесаларининг, одатда, машхур афсона ва мифларга асосланлиги ҳақида луғатда тўлиқ маълумот берилган.

*Vau de ville* Америка пародиясидан нисбатан анча машхур бўлган, XX аср бошлари ва XIX аср охирида АҚШда кенг тарқалган намоиш тури. Британияда ушбу намоиш шакли кўшиқлар, рақслар, чизмалар, акробатика ва бошқа ҳаракатлар билан бирга мусиқа зали деб номлангани ҳақида луғатда маълумотлар бор.

*Mime, pantomime, satire, melodrama, tragicomedy* каби атамалар драматик адабий турнинг бошқа жанрларини ифодаловчи терминлар ҳисобланади.

Драма тури бошқа адабий турлардан кўра муайян имтиёзга эга. У ўзининг адабиётга мансублигини йўқотмаган ҳолда, сахнада қайта туғилади.

Қуйида ҳавола қилинадиган атамалар театр турлари, сахна кўринишлари, қахрамонлар, сахна намоиши жараёнлари билан боғлиқ терминлардир. Дастлаб луғатдаги театр турларини ифодалаб келган терминларга эътибор қаратамиз: *epic theatre, extravaganza, gaff, metatheatre, masque or mask, pageant, theatre in the round, West End*.

*Extravaganza* – миф ёки эртактларнинг энгил пародиядан ташкил топган, пан, мусиқа, рақс билан жонлантирилган театр намоиш турига нисбатан қўлланиладиган термин.

*Gaff* – одатда, мелодрама шаклидаги арзон намоишларни таклиф қилувчи ёш театрларга нисбатан ишлатилган XIX аср термини. Кириш нархи асосида кўпинча *penny gaffs* термини ҳам ишлатилган.

*Pageant* – Ўрта асрларда драма ва пьесалар намоиш этиладиган кўчма сахна вазифасини бажарган вагон.

*West End* – Лондон маркази ва Шафтсбери-авеню (Лондон бродвейи) атрофидаги майдон бўлиб, у ерда XIX асрдан бери кўплаб тижорат театрлари жойлашган.

Ушбу атамалар эса сахна кўринишларини ифодалашда қўлланилади: *anti-masque, curtain-raiser, dumb show, entreme's, interlude, Machiavel, revue, sce'ne' a' faire, theatre of the absurd, theatre of cruelty*.

*Anti-masque* – баъзан маскали намоишлардан олдин қўйиладиган ҳажвия.

*Curtain-raiser* – асосий спектаклдан олдин намоиш этиладиган қисқа драматик, одатда, бир пардали намоиш.

*Dumb show* – пьесадаги қисқа овозсиз ҳатти ҳаракат ёки мимика. У баъзан муваффақиятли яқунланган сахна кўриниши охирида ишлатилган.

*Entreme's* – жиддий драма орасида намоиш этиладиган қисқа ҳажвий намоишни ифодаловчи испанча термин. Ушбу шакл Испания сахналарида XVII асрнинг биринчи ярмида гуллаб-яшнагани ҳақида маълумот берилган.

*Revue* – бир қатор кўшиқлар, рақслар ва ҳажвиялардан иборат театр намоиши. Унинг кўпинча, сатирага бағишлангани, бошқа бир турининг эса ажойиб костюм ва рақсларга йўналтирилиши изоҳланган.

Энди қахрамонлар билан боғлиқ терминларга назар ташлаймиз:

*braggadocio, choral character, dramatis personae, eiron, raisonneur, soubrette, the Vice.*

*Braggadocio* – кўплаб комедияларда кўрқок, аммо мақтанчоқ қахрамон. Ушбу қахрамоннинг инглиз драмаларидаги ёрқин намунаси Шекспирнинг Фальстаф персонажи.

*Eiron* – юнон комедиясидаги, аслида, жуда ақлли, аммо камгаплиги билан ажралиб турадиган бош қахрамон. У мақтанчоқ *braggart*га зид бўлган қахрамон сифатида ҳам изоҳланган. Киноя, яъни *irony eiron* сўзидан ўзлаштирилганлиги ҳам эътироф этилган.

*Raisonneur* – муаллиф томонидан билдирадиган фикрларни баён этувчи қахрамон.

*Soubrette* – XVII ва XVIII аср француз комедияларидаги хизматкор аёл образи. У одатда, хўжайинининг ёлғонларига қарши чиқадиган бош қахрамон.

*The Vice* – Ўрта аср диний пиесаларидаги қахрамондир. У шайтон йўлдан урган ахмоқ, бошқаларни ҳам йўлдан оздиришга ҳаракат қиладиган шахс сифатида талқин қилинган.

Саҳнадаги намойиш жараёни билан боғлиқ терминлар: *agon, anagnorisis, catharsis, coup de the'a'tre, hamartia, hubris (hybris), mimesis, nemesis, peripeteia or peripety, reversal.*

*Agon* – асарлардаги иккита асосий қахрамонлар ўртасидаги зиддият, қарама-қаршилик.

*Anagnorisis* – драмадаги бурилиш нуқтасини ифодаловчи юнонча атама.

*Catharsis* – асар қахрамонининг фожиаси таъсирида томошабин, ўқувчида юз берадиган ҳаяжон, ачиниш, кўрқув каби ҳолатлар.

*Hamartia* – мағлубиятни ифодаловчи юнонча сўз бўлиб, Аристотелнинг Поэтика асарида ишлатилган. Муаллиф ушбу терминни трагедияда бош қахрамоннинг ўз кўли билан мағлубиятга етаклашини ифодаладиган термин деб изоҳлаган.

*Mimesis* – тақлидни ифодаловчи юнонча сўз. Кўриб турганимиздек, юқоридаги саҳна намойиши билан боғлиқ терминларнинг асосий қисми юнонча сўзлар бўлиб, улар асосан Аристотел томонидан ишлатилган.

Драматик турдаги асарнинг диалоглардан ташкил топиши, парда, акт ва кўринишларга бўлиниши маълум. Луғатдаги саҳна нутқи билан боғлиқ терминлар ҳам муҳим ўрин тутади, жумладан: *aside, bombast, dramatic monologue, dramatic irony, malapropism, repartee, soliloquy, stichomythia.* Яна бир гуруҳ терминлар театрга оид умумий тушунчаларни ифодаловчи терминлардир: *act, agitprop, claque, mise en sce"ne, proscenium arch, props, scene, the unities.*

Ушбу драматик тур мавзуй гуруҳига киритилган атамаларнинг сўнги гуруҳи драма билан боғлиқ адабий принцип ва услубларга хос терминлардир: *dramaturgy, alienation effect or A-effect, Apollonian, Dionysian, Jacobean, Shavian, Verfremdungseffekt. Academic drama, school drama* терминлари драма мактабини ифодалайди. Уйғониш даврида пайдо бўлган драматик аънамага кўра, қадимги драматургларнинг асарлари мактаб ва коллежларда намойиш этиб келинган.

Тадқиқотимиз давомида биз луғатдаги адабиётшуносликка оид терминларни уч катта гуруҳга ажратиб ўргандик, булар: прозага, поэзияга ва драмага алоқадор терминлардир. Қуйида изоҳлайдиган терминлар учала адабий турга бирдек алоқадор бўлган атамалардир. Ушбу гуруҳга киритилган терминлар 330тани ташкил этади, уларни ҳам кичик мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Дастлаб, умумий тушунчаларни ифодаловчи терминларнинг кичик гуруҳига кирувчи атамаларни кўриб чиқамиз. Улар: *literature, comparative literature, paraliterature, sociology of literature, postcolonial literature, Eng. Lit., literal, genre, literati, litte'rateur, literariness, implied author, nom de plume, griot*.

Кейинги гуруҳдаги терминлар даврларга оид терминлар ҳисобланади, булар: *American Renaissance, Aufkla'rung, Augustan age, Celtic Revival, the Enlightenment, Harlem Renaissance, Renaissance, Zeitgeist*. Поэзия, проза ва драма ҳар бир даврда ўз ўрнига ва тараққиёт йўлига эга бўлган.

Навбатдаги атамалар адабий оқим ва услубларни ифодаловчи терминлардир: *avant-garde, gynocritics, proletcult, Sturm und Drang, Aristotelian, bardolatry, Beat writers, Byronic, Brechtian, Chicago critics, Leavisites, Pre-Raphaelites, Socratic*. Жумладан, адабиёт мактаблари: *Cambridge school, Geneva school, Salon*. Бадиият билан боғлиқ назарий қарашлар: *deconstruction, Rezeptionsasthetic (reception theory), e'paterles bourgeois, fin de si'e'cle, succ'es d'estime*. Шу ўринда *Grub Street* ва *Arcadia or Arcady* терминларини ҳам ушбу қаторга кўшишни жоиз деб топдик. Чунки *Grub Street* термини адабий мактаб ёки услубни ифодаламаси-да, муайян гуруҳга тегишли бўлган ёзувчилар истиқомат қилган кўчани ифодалайди. Ушбу кўчада XVIII асрда камбағаллашган ва учинчи даражали шеър, асарлар ёзиб тирикчилигини ўтказган ёзувчилар яшаганлиги ҳақида маълумот берилган. Кейинги *Arcadia or Arcady* термини эса қадим замонлардаги Грециядаги тоғли ҳудуд номини ифодалайди. Дастлаб Рим шоири Вергилий, кейинчалик Уйғониш давридаги пасторал (қишлоқ) ёзувчилари тасаввуридаги идеал ҳаёт.

Адабиётшуносликда *-ism* кўшимчаси билан бошланувчи терминлар анчагина. Ушбу кўшимчали терминларни кичик бир гуруҳга киргизишга қарор қилдик. Дастлаб, ушбу кўшимчали адабий оқим, адабий қарашлар ва назарияларни ифодаловчи терминларни кўриб чиқамиз: *Aestheticism, cultural materialism, classicism, empiricism, existentialism, experimentalism, expressionism, formalism, Futurism, humanism, impressionism, logocentrism (transcendental signified), medievalism or mediaevalism, modernism, new historicism, Neoplatonism, naturalism, neoclassicism, Platonism, postmodernism, post-structuralism, preromanticism, realism, Romanticism, Russian Formalism, Scholasticism, socialist realism, structuralism, Surrealism, Transcendentalism, Vorticism*. Кейинги *-ism* кўшимчали терминлар адабий усул ва услубларга хос терминлардир, жумладан: *anachronism, mannerism, minimalism, parallelism, plagiarism, primitivism, propagandism, reductionism, reflectionism, syllogism*. Лексикология ва сўз билан боғлиқ терминлар: *archaism, colloquialism, neologism, phonocentrism, pleonasm, solecism, Spoonerism*. Кейинги атамалар адабиётшуносликнинг бир қисми ҳисобланган танқид билан боғлиқ терминлар: *criticism, higher criticism, literary*

*criticism, metacriticism, myth criticism, practical criticism, reader-response criticism, textual criticism*. Шу ўринда *critique, criterion* терминларини ҳам айтиб ўтишни жоиз, гарчи буларда *-ism* қўшимчаси ишлатилмаган бўлса-да, танқид билан боғлиқ терминлар ҳисобланади.

Навбатдаги изоҳланадиган терминлар бадиий тасвир воситаларига алоқадор. Биз биламизки адабий тур ва жанрларнинг барчасида ёзувчи ва шоирлар бевосита бадиий тил воситаларига мурожаат қилишади. Чунки улар бадиий нутқнинг стилистик вазифаларини кучайтиради ва тил бўёқдорлигини оширади. Ушбу терминларни ҳам кичик мавзуий гуруҳларга бўлишга қарор қилдик. Бадиий тасвир воситалари турли даврларда турли олимлар орқали турлича тасниф қилинган. Ушбу таснифларни умумлаштириб, уч кичик гуруҳ – фонетик, лексик ҳамда синтактик-стилистик воситалари бўйича гуруҳладик. Дастлаб фонетик бадиий тасвир воситасини ифодаловчи терминларни ҳавола қиламиз: *alliteration, assonance, consonance, onomatopoeia, paronomasia*. Лексик ва лексик-синтактик бадиий тасвир воситалари: *metaphor, mixed metaphor, metonymy, epithet, transferred epithet, hypallage, irony, romantic irony, tragic irony, hyperbole, adynaton, personification, prosopopoeia, apostrophe, epistrophe, exclamatio, allegory, allusion, antithesis, anticlimax, climax, oxymoron, litotes, meiosis, simile, epic simile, pun, antanaclasis, zeugma, auxesis, metalepsis, polyptoton*.

Луғатдаги синтактик бадиий тасвир воситаларини ифодаловчи терминлар: *anaphora, anadiplosis, antiphrasis, aposiopesis, asyndeton, chiasmus, inversion, paraphrase, periphrases, parallelism, parison, synecdoche, rhetorical question, aporia, rogatio, anacoluthon, antimetabola, epanalepsis, epizeuxis, incremental repetition, hendiadys, hyperbaton, occupatio, plocé or ploche, polysyndeton*.

*Figure or figure of speech, rhetorical figure, scheme* – бадиий тасвир воситаси терминини ифодаловчи атамалар ҳисобланади. Булардан ташқари, *trope* ва *device* каби умумий тушунчани ифодаловчи терминлар ҳам ушбу луғатда келтирилган.

Навбатдаги адабий асар ва жанрларига доир терминлар ҳам назмда, ҳам насрда учрайди: *chivalric romance, romance, folklore, fabliau, fable, cycle, lipogram, litany, oral tradition*. Кейингилари проза ва драма адабий турларида учрайдиган жанрлар: *Menippean satire or Varronian satiresketch, tetralogy, trilogy*. Навбатдаги адабий асар ва жанрларларни ифодаловчи терминлар учала адабий турда ҳам учрайдиган терминлар: *burlesque, parody, pastoral*. Юмор ва ҳажвни ифодаловчи терминлар: *lampoon, humours, squib*. Китоботга оид терминлар: *chrestomathy, courtesy book, juvenilia, holograph*.

Адабий асарлардаги қахрамонларни ифодаловчи терминлар: *character, hero or heroine, antagonist, protagonist, anti-hero or anti-heroine, confidant(e), stock character, type, villain, persona*, худди шу ўринда *muse* терминини ҳам киритишни жоиз топдик. Қахрамонлар томонидан ҳис этиладиган кечинмаларни ифода этувчи терминлар: *discovery, Wertherism*.

Бадиий асар сюжетининг таркибий қисми, компонентларини ифодаловчи терминлар: *exposition, catastrophe, crisis, recognition, denouement, induction, prologue, proem, argument, comic relief, crux, dialogue, dialogic or dialogical*,

*monologue, monologic or monological, intrigue, epigraph, libretto, oeuvre, passus, subgenre, closure, epilogue, poetic justice.* Қуйидаги терминлар бадий асарларда учрайдиган ибора, жумла, параграф ва нутқни ифодаловчи терминлардир: *gnomic, interpolation, in medias res, palindrome, hypertext, rhapsody, epideictic, rodomontade, paradox, peroration.* Навбатдаги терминлар адабий тур ва жанрларнинг мазмун, мотиф, матн ва услуб каби умумий тушунчаларини ифодаловчи терминлар: *canon, content, convention, collage, corpus, copy-text, chronicle, diction, donne"e, form, motif, mode, mythos, plot, subtext, subplot, style, scenario, text, tone, topos, theme, voice.*

Бадий асарни ёзиш давомидаги техник жараёни ифодаловчи терминлар: *characterization, digression, emendation, enonc'e and enonciation, eponymous, erasure, estrangement, exegesis, explication, log-rolling, pirated, pseudo-statement, recension.* Навбатдаги терминлар бадий асар ёзиш жараёнида сўзлардан унумли фойдаланиш билан боғлиқ терминлар: *ambiguity, double entendre, equivoque, plurisignation, univocal, circumlocution, formulaic, polyphonic.* Юқоридаги терминлардан *ambiguity, double entendre, equivoque, plurisignation* муаллиф томонидан синоним терминлар деб изоҳланиб, улар сўзларнинг ўз маъносидан ташқари бошқа маъно ифодалашни таъкидланган, луғатга кўп маънолилиқ масаласи билан боғлиқ ҳолда киритилган. Луғатдаги *Univocal* атамаси эса ушбу терминларнинг антоними бўлиб, бир маънолик деган мазмунни ифодалайди. Кейинги терминлар бадий асарда муайян тушунчаларнинг ифодаланиши ва бадий асар ўқиш жараёнида тасаввур ва ҳиссиётларни ифодаловчи терминлар: *anagogical, apocalyptic, autotelic, bestiary, didactic, epiphany, imagery, invective, machinery, mock-heroic, performative, affective, carnivalization, defamiliarization (ostranenie), dissemination, fancy, horizon of expectations, indeterminacy (undecidable), intentional fallacy, imagination, objective correlative, pathos, stock response, stream of consciousness.* Навбатдаги атамалар маълум концептларни ифодаловчи терминлардир: *the absurd, the sublime, the uncanny, Angst, apology, courtly love, decadence, jouissance, sensibility, scatology, verisimilitude, vraisemblance, wit, Weltanschauung.* Бадий асарларда учрайдиган артефакт ва буюмларни ифодаловчи терминлар: *bricolage, emblem, symbol, the symbolic, tableau.*

Изланишларимиз давомида поэтик, прозаик ва драматик турлар мавзуй гуруҳига киритиш мумкин бўлмаган атамаларга ҳам дуч келдик. Айтмоқчимизки улар биз ажратган мавзуй гуруҳларнинг ҳеч бирига тўғри келмади. Улар адабиётшуносликдаги умумий тушунчаларни ифодалаб келади. Шунингдек, луғатда тилшуносликка оид терминлар ҳам мавжуд. Бирор-бир адабий турга тегишли бўлмаган терминлар 149тани ташкил этади ва уларни ҳам кичик мавзуй гуруҳлар бўлиб ўргандик. Дастлаб фан ва фан бўлимларни ифодаловчи терминларни ҳавола этамиз: *aesthetics, esthetics, eschatology, grammarology, hermeneutics, morphology, phonology, phonetics, philology, phenomenology, palaeography, rhetoric, stylistics, semiotics, semiology, semantics, typology.* Фонетика ва товуш билан боғлиқ терминлар: *phoneme, hiatus, intonation, dieresis, diphthong.* Лексикология – сўз ясалишига оид терминлар: *catachresis, coinage,*



*connotation, denotation, homonym, homophone, idiolect, idiom, lexis, Latinate, nonce word, portmanteau word, polysemy, synonym, syllepsis.* Лингвистикага оид терминлар: *the semiotic, seme, sign, signified, signifier, arbitrary, competence, diff'erance, diacritic, icon, or iconic sign, index.* Грамматик терминлар: *paradigm, syntagm or syntagma, grapheme, morpheme, inflection or inflexion, syntax, homology, hypotactic, paratactic, periodic sentence, surface structure, synthesis.* Дискурс тахлил билан боғлиқ терминлар: *discourse, discours, cohesion, ellipsis or ellipse, episteme or epist'eme, illocutionary act, perlocutionary act, inscape and instress, multi-accentuality, register, referent.*

Навбатдаги атамалар назарий фикрларни, ёндашувва услубларни ифодаловчи терминлардир, улар: *diachronic, synchronic, speech act theory, Queer theory, ne'gritude, baroque, rococo, organic form.* Тил ва шеваларни ифодаловчи терминлар: *langue, parole, dialect, dialectic, demotic, vernacular, fustian, metalanguage, medium, heteroglossia, oratory, obiter dicte, Hellenistic, la pre'ciosite.*

Ҳикматли сўз ва ибораларни ифодаловчи терминлар: *aphorism, sententia, apophthegm, decorum, homily, proverb, tenor, vehicle.* Китоботга доир терминлар: *chapbook, commonplace book, pot-boiler, thesis, treatise, codex, apparatus, bibliography, concordance, gloss, the Index.* Нашриётга оид терминлар: *duodecimo, folio, octavo, quarto, recto, verso, colophon, edition, periodical, redaction, revision, samizdat, typography, Urtext, variorum edition.* Ёзув билан боғлиқ терминлар: *automatic writing, ecriture, lapidary, lisible (readerly), palimpsest, scriptable (writerly), runa.* Қоидаларни ифодаловчи терминлар: *code, maxim, prescriptive.* шахсларни ифодаловчи терминлар: *Encyclop'edistes, philosophes, university wits, colportage, patronage, philistine, implied reader.*

*Kitsch, tradition, collective unconscious* каби терминларни юқоридаги ҳеч бир кичик мавзуй гуруҳга киритмадик.

## ХУЛОСА

Крис Болдикнинг *The Concise Oxford dictionary of Literary terms* луғати ўзига хос янги йўналишдаги луғатдир. Уни изохли-қомусий йўналишдаги луғат деб номлаш мумкин. Луғатдаги адабиётшунослик терминларининг семантик тахлили жараёнида 142 та эпик, 329 та лирик, 110 та драматик, 330 та ҳар уч адабий турга мансуб ҳамда 149 та юқорида санаб ўтилган уч адабий тур мавзуй гуруҳларига киритилмаган терминлар туркумига ажратилди. Улар тадқиқотимиз жараёнида яна майда гуруҳларга ҳам бўлиниб ўрганилди. Ушбу луғатдаги адабиётшунослик терминларининг 1060 тадан 118 таси бошқа тиллардан ўзгаштиришсиз ўзлаштирилган терминлар ҳисобланади. Муаллиф ушбу адабиётшунослик терминларининг қайси тилдан олинганлиги ҳақида ҳам маълумот беради. Бу эса, ўз навбатида, унинг фойдалилик коэффицентини оширади ва у ёки бу термин генезиси ҳақида маълумот олиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилмайди.



## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abrams, M.H. (1999). *A Glossary of Literary terms*. Heinle & Heinle, a division of Thomson Learning, Inc.
2. Absalomova, G. (2013). *Terminologik tadqiqotlarning asosiy yo'nalishlari*. Samarqand.
3. Akhmanova, O.S. (1969). *Dictionary of linguistic terminology*. Moscow.
4. Baldick, Ch. (2001). *The Concise Oxford Dictionary of Literary terms*. Oxford: Oxford University Press.
5. *Bruno Studies in English*. (2010). 36(1), ISSN 0524-6881.
6. Cuddon, J.A. (1999). *Dictionary of Literary terms and literary theory* (4th ed.). Penguin Books.
7. Eliot, T.S. (1921). *Poetry & Prose: The Chapbook*. Poetry Bookshop London.
8. Galperin, I. R. (1971). *Stylistics*. Moscow: Higher school publishing house.
9. Hojiyev, A. (2002). *Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati*. Toshkent.
10. Hotamov, N., & Sarimsoqov, B. (1983). *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha lug'ati*. Toshkent: O'qituvchi.
11. Ismoilov, Sh. (1999). *Tilshunoslik asoslari*. Toshkent.
12. *Macmillan English Dictionary for advanced learners*. (2011).
13. Mardiyev, T.K. (2015). *Olaming lisoniy tasviri*. Samarqand.
14. McArthur, T. (2005). *The Concise Oxford Companion to the English Language*. Oxford: Oxford University Press.
15. *Merriam Webster Encyclopedia of Literature*. (1995). Merriam Webster & Britannica.
16. Petrosyants, E.G. (2004). *Linguistic terminology: structure, semantics, derivation: on English material*. Pyatigors.
17. Qurbonov, D., Mamajonov Z., Sheraliyeva, M. (2010). *Adabiyotshunoslik lug'ati*. Akadernashr. Toshkent.
18. Skrebnev, Y.M. (1994). *Fundamentals of English Stylistics*. Moscow.
19. Strachan, J.R, Richard, T.G. (2000). *Poetry: an introduction*. Edinburgh University Press. ISBN 978-0814797976, 119 p.
20. Sulaymonov, Sh., To'xsanov, Q. (2009). *Adabiyotshunoslik atamalarining qisqacha izohli lug'ati*. Buxoro.
21. Xudoyberdiyev, E. (2003). *Adabiyotshunoslikka kirish*. Toshkent.

## REFERENCES

1. Abrams, M.H. (1999). *A Glossary of Literary terms*. Heinle & Heinle, a division of Thomson Learning, Inc.
2. Absalomova, G. (2013). *Main approaches of terminological research*. Samarkand.
3. Akhmanova, O.S. (1969). *Dictionary of linguistic terminology*. Moscow.
4. *Bruno Studies in English*. (2010). (Vol. 36(1)). ISSN 0524-6881
5. Chris, B. (2001). *The Concise Oxford Dictionary of Literary terms*. Oxford: Oxford University Press.
6. Cuddon, J.A. (1999). *Dictionary of Literary terms and literary theory* (4th ed.). Penguin Books.
7. Eliot, T.S. (1921). *Poetry & Prose: The Chapbook*. Poetry Bookshop London.
8. Galperin, I.R. (1971). *Stylistics*. Moscow: Higher school publishing house.
9. Hojiev, A. (2002). *Dictionary of linguistic terminology*. Toshkent.
10. Hotamov, N., & Sarimsoqov, B. (1983). *Russian-Uzbek dictionary of literary terms*. Tashkent: O'qituvchi.
11. Ismoilov, Sh. (1999). *Basics of linguistics*. Toshkent.
12. Kurbonov, D., Mamajonov Z., & Sheraliyeva M. (2010). *Literary dictionary*. Akadernashr. Tashkent.
13. *Macmillan English Dictionary for advanced learners*. (2011).

14. Mardiev, T.K. (2015). *Linguistic description of the world*. Samarkand.
15. McArthur, T. (2005). *The Concise Oxford Companion to the English Language*. Oxford: Oxford University Press.
16. *Merriam Webster Encyclopedia of Literature*. (1995). Merriam Webster & Britannica.
17. Petrosyants, E.G. (2004). *Linguistic terminology: structure, semantics, derivation: on English material*. Pyatigors.
18. Skrebnev, Y.M. (1994). *Fundamentals of English Stylistics*. Moscow.
19. Strachan, J.R., & Richard, T.G. (2000). *Poetry: an introduction*. Edinburgh University Press. ISBN 978-0814797976, 119 p.
20. Sulaymonov, Sh., & Tokhsanov, K. (2009). *The concise dictionary of literary terms*. Bukhara.
21. Xudoyberdiev, E. (2003). *Introduction to literary criticism*. Tashkent.